# КОЛЛЕЖЛАРГА ҲАМКОРЛАР КЎМАГИ

*Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида 29-30 октябрь кунлари «Ахборот ва коммуникация технологиялари йўналишидаги касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмак» деб аталган лойиҳанинг ижро этилишига доир халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ушбу анжуманни Германия ҳамкорлик ташкилоти (GTZ) ва Кредитанштальт фюр Видерауфбау (KFW) банки ўзаро ҳамкорликда ташкил этдилар.*

Бу икки хорижий муассаса юқорида эсланган лойиҳани амалга ошириш учун 8 миллион 692 минг евро миқдорида маблағ сарфлашмоқда. Умумий қиймати 19 миллион 969 минг евро турадиган мазкур лойиҳа харажатининг қолган қисми Ўзбекистон тарафидан ажратилади.

*Халқаро анжуман*

Лойиҳага биноан республикамизнинг ахборот ва коммуникация технологиялари таълими йўналишидаги ўнта касб-ҳунар коллежи танлаб олиниб, улар электроника, электротехника, телекоммуникация ва информатика каби тўртта йўналиш бўйича энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланади, шунингдек бу коллежлардаги соҳа ўқитувчилари Германияда малака оширадилар, айни пайтда ушбу коллежларда ҳаёт ва тараққиёт талабларига кўра ўқув дастурлари ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни такомиллаштирилади. Лойиҳанинг бажарилиш муддати тўрт йилга белгиланган.

Германиялик ҳамкорлардан ташқари анжуманда Республика ўрта-махсус касб-ҳунар маркази таълими раҳбарлари, 16 та касб-ҳунар коллежларининг вакиллари, шунингдек пойтахтимиздаги бир қатор меҳмонхоналарнинг ҳамда корхоналар ва қўшма корхоналарнинг вакиллари иштирок этди.

— Республикамиздаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника негизини халқаро андозаларда жиҳозлашга катта аҳамият берилмоқда, — деди анжуманда сўзлаган ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Х. Маъсудов. — Германиялик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳа шу мақсадга хизмат қилади. Бу лойиҳа, айни пайтда, 2002 йил 6 июлда қабул қилинган компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга татбиқ этиш тўғрисидаги республикамиз ҳукуматининг қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишига ҳам амалий ҳисса бўлиб қўшилади.

**Ўз мухбиримиз.**

# БЕМИННАТ ЁРДАМ

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида АҚШ Мудофаа вазирлиги қошидаги Хавфни камайтириш агентлигининг Тошкент филиали томонидан кўрсатилган беминнат ёрдамни топшириш маросими бўлиб ўтди. Қарийб 58179,5 АҚШ долларига тенг миқдордаги ушбу беғараз ёрдам кимёвий ҳимоя воситалари, кимёвий заҳарланишдан муҳофаза қилувчи кийим-кечаклар, нафас олиш йўлларини ҳимоялайдиган респиратор ва фильтрлардан иборат.

АҚШ ҳукумати бундан бир йил муқаддам ҳам Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимларига оммавий қирғин қуроллари ва хавфли моддалар билан ишлаш учун мўлжалланган махсус асбоб-ускуналар совға қилган эди.

**Азамат СУЮНОВ.**

# ҚОРАҚАЛПОҚ ПАХТАСИ

## ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАНИГА БИР АСРДАН ОШДИ. МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИГИНА У ЖАМИЯТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

«Қорақалпоқ камбағалларига йўл бермай келаётган миллий акулалар ўтирган эди, қорақалпоқлар қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиб, балиқ овлаб, пахта экиб ўз заҳмати натижаларини ташқи бозорга чиқаролмай келмоқдалар» деган расмий хабарни етказади. Ўз халқининг фидойиси О. Дўстназаров бундай мардона сўзларни кейинчалик ҳам кўп бора айтди. Пировардида, 1937 йилнинг 8 декабрида НКВД «учлиги» ҳукмига биноан, Беломор-Балтика канали ёқасидаги Кем бекатида отиб ташланди. Бундай оғир қисмат Абу Қудабоев, Қосим Авезов, Кўптилеу Нурмуҳаммедов ва бошқа давлат арбобларининг бошига ҳам тушди.

Аслида Қизил империя пахтага бўлган «чанқоғи»нинг бир қисмини Қорақалпоғистон орқали қондиришга ўтди. 1937 йили Қорақалпоғистонда 68.652 тонна пахта тайёрланди. Пахтанинг йиллик ялпи хирмони 1958 йили 193 минг, 1965 йили 260 минг, 1979 йили эса 448 минг тонна бўлди. 1963 йили Қорақалпоғистонда жами 10 минг тонна шоли етиштирилган бўлса, 1983 йили бу кўрсаткич 333 минг тоннага етди.

Пировардида Марказий Осиё гидрологияси, флора ва фаунаси мутаносиблигида беқиёс ўрин тутиб келган Орол денгизи йил ё ой эмас, соат сайин қурий бошлади. Машҳур порт-шаҳар Мўйноқ яқинида кемалар «қабристони» вужудга келди. Шаҳар аҳолисининг турмуши танглашди. 1980 йилларнинг охирига келиб мўйноқликлар ҳаёти, соғлигида чидаб бўлмайдиган вазият юзага чиқди. Бир пайтлари Волга бўйи аҳолисини, большовойлар даъватига кўра, очликдан қутқарган шаҳарнинг ўзи бир бурда нонга зор бўлиб қолди. Тақдирнинг аччиқ ўйинини қарангки, ўша йиллари Компирқа сиёсий бюроси Осиё, Европа, Америка ҳамда Африкадаги айрим компартияларга миллион-миллион доллар миқдорида маблағ ажратар, бу ечимлар учун қўл кўтариб ўтирган Сиёсий бюро аъзоси, КПСС Москва шаҳар қўмитаси биринчи котиби ўзининг киндик қони томган Мўйноқ шаҳридаги аянчли аҳвол тўғрисида тушида ҳам ўйлаб кўрмасди. Орол денгизи юзасидан чиқарилган қарор ҳам қоғозда қолиб кетган эди.

Аллоҳга минг шукрки, 1989 йилда Ўзбекистон раҳбарлигига ўз халқи, ўз миллати фидойиси Ислом Абдуғаниевич Каримов келди. Ва Московдаги минбарлардан биринчи бўлиб Ислом Каримов Орол бўйидаги ҳақиқий аҳвол тўғрисида ҳаққоний гапни айтди. Энг муҳими, ундан олдин Мўйноқда, Қозоқ дарёда, Шегида, Учсойда бўлиб, аҳволни ўз кўзи билан кўриб, соҳил заҳматкашларининг биринчи даражали эҳтиёжлари учун қатъий тадбирларни белгилаб, барча тегишли раҳбарларга топшириқлар бериб, кейин сўзга чиқди. Ўша кундан бошлаб Мўйноққа сув чучуклантирадиган қурилмалар, касалхонага замонавий жиҳозлар етиб келди. Наинки Мўйноқ, бутун Қорақалпоғистонни сифатли ичимлик суви билан таъминлайдиган «Туямўйин-Нукус-Тахтакўпир» қувури мисли кўрилмаган муддатларда фойдаланишга топширилди. Бундай мисолларни, Президентнинг пойқадамидан сўнг юзага чиққан воқеаларни кўплаб келтириш мумкин.

Аммо бизнинг бош мавзуимиз пахтачилик тўғрисида эди. Истиқлол Қорақалпоғистон пахтачилиги учун истиқбол эшикларини очиб берди. Мустабид тузум шароитида Қорақалпоқ пахтаси СССРнинг Оврўпа қисмидаги ўнлаб корхоналарга хомашё тарзида жўнатилар, улар бундан жарақ-жарақ валюта ишлаб оларди. Қорақалпоқ заминида дунёдаги энг ширин қовунлар, мевалар етиштирилар, бу тенгсиз неъматлар самолёт билан Сочи, Ялта, Форосдаги «чорбоғ»ларга жўнатилар, Мўйноқ, Қораўзак ва Бўзатаудаги аёллар эса камқонликдан юзлари заҳил бўлиб кетган эди. Ўргада табиий газ фаввораси тўлиб-тошиб ётганига қарамасдан, Қўнғирот, Қанликўл, Шуманайдаги минглаб хонадон бекалари ҳали ҳам ўчоққа ўтин қалаб, овқат пиширар, музхонага айланадиган мактабларда ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам пальтода ўтиришар эди. Султонвайстоғ мармари СССРнинг Европа қисмидаги энг йирик шаҳарлар метроларини безагани ҳолда Қорақалпоғистон Мухтор Республикаси Вазирлар Кенгаши биносининг шифти қамишдан ёпилган эди. Ҳисоб китобларга қараганда 1964-1984 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон пахта тозаловчилари Қизил салтанат омборларига 2,2 миллион тонна пахта толаси жўнатган. Агар унинг ҳар тоннасини 1.500 АҚШ долларидан ҳисоблайдиган бўлсак, 3,3 миллиард АҚШ доллари бўлади.

Мустақиллик шарофати туфайли Қорақалпоқ пахтаси ўз қадрини топди. Аввало, 1998 йили Беруний ва Халқобод пахта тозалаш заводларига Мадриддан хушхабар келди: ушбу заводлар толаси аъло сифатли бўлгани учун, жаҳон сифат қўмитасининг олтин совринига муносиб, деб топилди. Қорақалпоғистонлик икки вакил Испанияга бориб, олтин соврин олиб қайтишди. Кейин Элликқалъа пахта тозалаш заводига Мексикадан, Манғит пахта тозалаш заводига Франциядан, Қўнғирот пахта тозалаш заводига Испаниядан ана шундай совринлар тўғрисида хабарлар келди. Демак, Қорақалпоғистон пахтаси дунёдаги энг сифатли, тола хусусиятлари юқори хомашё ҳисобланади. Бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Кейинги йилларда юз берган қурғоқчилик Қорақалпоғистон пахтачилиги ривожида ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқаргани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, 2002 йилда қорақалпоғистонликлар 71556 тонна пахта тайёрладилар. Айни чоғда ундан 22939 тонна аъло сифатли тола олиниб, унинг деярли ҳаммаси хорижлик ҳамкорларга жўнатилди. Тола чиқиши 32 фоиздан ошди. Энг муҳими, деҳқонларимиз пешона тери билан етиштирилган ана шу ҳосилнинг бир қисми истиқлол фарзандлари ҳисобланган «Катекс» ва «Элтекс» қўшма корхоналарида тайёр маҳсулотга айлантирилди.

Юқорида муҳтарам Президентимизнинг Қорақалпоғистонга 2002 йилнинг 2 май кунги ташрифи тўғрисида тўхталган эдик. Ўша ташрифдан сўнг ҳудудда оқар сув мўл-кўл бўлиши билан бирга, Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, пахтачиликни мутаносиб равишда ривожлантириш чоралари белгиланиб, Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 1 август куни бу борада махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарорга кўра, Қорақалпоғистон пахтачилиги минтақалаштирилган ҳолда ривожлантирилади. Яъни асосан жанубий туманларда чигит экилиб, шимолий туманларда эса кўпроқ қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқларига кенг йўл очиб берилади.

Қорақалпоғистонлик пахтакорлар жорий йил кўкламида кенг кўламдаги ишларни амалга оширдилар, чигит экишда андижонликлар тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди. Аммо экиш мавсумида 50 мартага яқин сел, жала ёғди. Аксарият далаларга уруғ икки, уч карра қайта экилди. Вегетация даврида зараркунандаларга қарши қатъий кураш олиб борилди. Натижада бир қанча туманлар, ширкат хўжаликларида кўзланган маррани қоплайдиган ҳосил тўпланди.

Биз Қорақалпоғистон далаларида бўлганимизда, пахтачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар орасида биринчи бўлиб Хўжайли туманидаги «Озодлик» ширкат хўжалиги аҳли довондан ошганини эшитдик. Жамоанинг Қурбондурди Сарибоев раҳбарлик қилаётган миришкорлари теримда уюшқоқлик намунасини кўрсатмоқдалар. Хўжайли тумани меҳнаткашлари уйган хирмон 15 минг тоннадан, Амударё тумани пахтакорлари жамғарган пахта 20 минг тоннадан ошиб кетибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 ноябрдаги 461-сонли қарорига кўра, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» Андижон вилоятининг Марҳамат, Қашқадарё вилоятининг Нишон, Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманлари қаторида Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида амалга оширилмоқда. Лойиҳада Элликқалъа тумани учун 2003 йилга харид квотаси 9400 тонна қилиб белгиланган эди. Элликқалъаликлар бу маррадан аллақачон ўзиб кетдилар. Шунинг билан бир қаторда Тўрткўл ва Беруний туманларининг пахтачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлари пахтакорлари йиғим-теримни тезроқ якунлаш чораларини кўришлари лозим, чунки бу ҳудудларда сусткашлик сезилаяпти.

Айни дамларда Қорақалпоғистон Республикаси далаларида пахта терими қизғин паллага кирди. Уйилган хирмон 85 минг тоннадан ошди. Биринчи бўлиб ғалаба қайдномасига қораўзакликлар имзо қўйишга шайланмоқдалар. Бошқа бир қанча туманларда ҳам терим суръати ошмоқда. Президент Ислом Каримов Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Агар биз она-заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи галда, саҳро қуёши, гармсел ва изғирин шамолларида тобланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан», дедилар. Бу элнинг пахта хирмони юксак бўлиши унинг эртанги куни, келажаги каби равшандир!

Зеро, биз ўзимиз ташриф буюрган ҳар бир туманда, ҳар бир ширкат хўжалигида, ҳар бир далада миллий бойлигимиз ҳисобланмиш пахта қадрини ҳамюртларимизнинг мамлакат шимолида мўл ҳосил етиштиришга, айни дамларда эса мавжуд ҳосилни қировли кунларга қолдирмасдан йиғиб олишга бўлган ихлос ва иштиёқини яққол ҳис қилдик. Пахта қадрида миллат шаъни, ор-номуси, фахру ифтихор туйғулари мужассам. Ана шу туйғу соҳиби бўлган қорақалпоғистонлик ҳар бир кишининг ўрни пахтазорда бўлмоқда.

*Ўн икки йил олдин эккан*
*ҳур гулларинг мангуликдир,*
*Буюк бахтни ортган карвон*
*манзилларинг мангуликдир.*

**Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

**Гулистон МАТЁҚУБОВА,**
**Қорақалпоғистон халқ шоираси.**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Қўшма корхона қуввати ошмоқда

*Чиноз туманидаги «Чиноз тўқимачи» Ўзбекистон — Туркия — Япония қўшма корхонаси республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига муносиб улуш қўшаётган жамоалардан биридир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 5300 тонна ип-калава тайёрланган бўлиб, унинг 2500 тоннаси тайёр матодир. Корхона жамоаси ютуқларга имкониятлардан оқилона фойдаланилаётганлигини, ишчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришмоқда.*

**СУРАТДА: ип йигирувчи Шаҳноза Ортиқова иш устида.**

**Еркабой БОТИРОВ олган сурат.**

# Янгича тафаккур мевалари

*Бир деҳқондан «Мустамлакачилик замони билан мустақиллик давридаги меҳнатнинг фарқи борми?» деб сўрашса, у «Илгари фақат қўл ишларди, энди каллани ҳам ишлатиш зарур» деб жавоб берибди.*

*Пухта жавоб-а!*

*Сирдарё вилояти Шароф Рашидов тумани Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг Ахборот ва маслаҳат маркази бошлаган ташаббус айни мана шу жавобдан туғилган. Марказ раҳбари Йўлдош Наврўзов – роса қирқ ёшда, елкасининг қичийдиган жойини олдиндан қашлаб қўядиган йигит. Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган, мутахассислиги бўйича иқтисодчи-ҳисобчи. Йигирма йил мобайнида турли соҳаларда ҳисобчи, бош ҳисобчи ва етакчи мутахассис вазифаларида ишлаб, меҳнатда пўлатдай тобланган. Бир йилдирки, у марказга раҳбарлик қилмоқда.*

## Ташаббус туғилган жойда

Ахборот ва маслаҳат маркази тумандаги товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар, методик, ҳуқуқий ахборот манбалари билан таъминлайди, шунингдек, тижорат асосида иқтисодий , ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот хизмати кўрсатади.

Йўлдош Наврўзовнинг таъкидлашича, марказ, энг аввало, иқтисодий жараёнларни ва унга таъсир этувчи омилларни кузатиб боради. Туман тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилган эмасми, демак, яқин ва узоқ келажакда унинг ўзига яраша муаммолари пайдо бўлиши табиийдир. Мисол учун, ҳозирги кунда меҳнат ресурсларини саноқ қилиш ва ижтимоий фаолликни ошириш масаласи долзарб бўлиб турибди. Меҳнат ресурсларининг ҳолати юзасидан расмий маълумотларга суяниб фикр билдириш холисликни таъминлай олмайди, албатта. Расмий ишсизлик ҳақидаги рақамлар ҳам ҳудди шундай. Бунда мезонлардан бири сифатида ҳақиқатда тўланган даромад солиғи миқдори олиниши мумкин. Гап шундаки, ўтиш даврининг қийинчиликлари айрим фуқароларни солиқ тўланиши назорат қилинмайдиган ишлар билан шуғулланишга олиб келди. Шундай экан, аввало, ижтимоий фаоллик оширилмаса ёки бундай ҳаракатларнинг олди олинмаса ислоҳотларнинг бориши сустлашади. Иккинчи масала – бу сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш муаммосидир. Тадбиркорлар палатасининг аъзоси бўлган субъектлар манфаатини кўзлаб, кузатиш олиб борилганда, барча сувдан фойдаланувчилар учун тенг сув таъминоти йўқлиги маълум бўлди. Демак, бу соҳада ҳам тушунтириш ишларини кучайтириш учун амалий тадбирларга ўтиш лозим.

Дарвоқе, янги ташаббуснинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талабларига кўра, хўжалик шартномалари тузишнинг эркинлиги, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя этиш ва тарафларнинг мулкий жавобгарлиги тадбиркорлик соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий қоидаларидир. Шу қоидаларга қай даражада амал қилинмоқда?

Машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналари билан агротехника тадбирларини, масалан, кузги шудгорлаш ишларини ўз вақтида бажариш юзасидан шартнома тузди, дейлик. Агар ҳукумат қарорида кузги шудгорнинг энг сўнгги муддати 20 кун этиб белгиланган бўлса, шартномавий мажбурият мана шу санагача бажарилиши шарт. Лекин шартларнинг ҳаммасини ҳам ўз вақтида бажаришга имкон йўқ. Демак, шартнома мажбуриятлар бажарилишининг мужмаллиги олдиндан маълум бўлган ҳолда тузилади. Бунинг оқибати оғир. Ноилożлик қишлоқ хўжалик корхоналарига ана шундай мужмал шартлар билан шартномалар тузишни ўргатмоқда. Бундай пайтда деҳқон қаерга бориши мумкин? Туманда чекланган миқдорда ер, ҳайдов техникалари бўлса...

Ахборот ва маслаҳат маркази шуни назарда тутиб, машина-трактор парклари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизмат бўйича тузиладиган шартномаларни танлов («Кимошди» савдоси) асосида ташкил қилиш юзасидан методик тавсиялар тўпламини ишлаб чиқди. Қаттиқ ботса ҳам, очиғини айтиш керакки, машина-трактор паркларининг шартномавий муносабатларида номутаносибликлар кўп, аксарият ҳолларда буюртмачиларнинг ҳуқуқларини паймол қилиш ва устунликка интилиш ҳолатлари ҳукмронлик қилмоқда. Таклиф этилаётган усулда икки томонлама мажбуриятларнинг бир маромда бажарилиши таъминланади. Бу – биринчиси. Иккинчидан, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва иш қобилиятини тиклаш имконияти яратилади. Буюртмачилар учун эса шартнома мажбуриятини қачон аниқ бажарилишини белгилаб олиш ва шунга қараб келгусидаги ишларни режалаштириш имконияти пайдо бўлади.

Хайрли иш, яхши ташаббус!

Деярли битта хонада жойлашган, саноқли ходимлардан иборат Ахборот ва маслаҳат маркази ана шундай муаммоларни ижобий ҳал қилишининг амалий йўлларини ҳам кўрсатиб бермоқда. Яъни, жамоа янгича фикрламоқда изланмоқда, пировардида янгича тафаккур ўз меваларини бермоқда. Эътиборлиси, бу мевалардан бутун туман, ҳатто қўшни туман ва шаҳарларнинг қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам баҳраманд бўлмоқда.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Обод маҳалла — бизнинг маҳалла*

# ПОЙТАХТДА ПОРЛАГАН «ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

*Баъзан шундай бўлади. Баландликка шиддат билан кўтарилаётган одамнинг шаҳдини кўриб, атрофдагилар унинг бўлар-бўлмас камчиликларини рўкач қиладилар, чалғитмоқчи, шаштига путур етказмоқчи бўладилар. Юртимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўси йил сайин мустаҳкамланаётган, бир пайтда илдизи неча минг йилликларга тенг қадриятларимиздан бири — маҳалла институтига, унинг бугунги ислоҳотларига билиб-билмай бўҳтон ва ғаразли қарашларини баён этаётган гуруҳ ва ташкилотлар борлиги аён бўлаяпти. Бир қарашда ҳар қандай даврда уларнинг мавжудлиги табиийдек туюлади. Ҳаёт ҳақиқати муттасил курашлар, қарама-қаршиликлар силсиласида шаклланиб, такомиллашиб бориши исботланган. Айни пайтда воқеалар тез ва шиддат билан ривожланаётган асримизда ҳар қандай бирёқлама мулоҳаза, қарашлар тараққиётимизга, тинчлик-осойишталикдек бебаҳо бойлигимизга раҳна солиш хавфи борлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.*

Одатда бирор халқнинг ҳаётига оид тадқиқотлар ўтказилаётганда, бу халқнинг турмуши, кечаги ва бугунги куни ҳар томонлама қиёсланади, ютуқларию камчиликлари, шарт-шароитлари тарозига солинади, менталитети, тараққиёт йўли ўрганилади. Қолаверса, ёнма-ён қад ростлаётган давлатлардаги ижтимоий-сиёсий ўсиш билан қиёсланади. Охир-оқибат юзага келган холисона ҳақиқатга таянилиб, сўз айтилади. Аввало ўзини, ўз йўналишини ҳурматлаган ҳар қандай ташкилот ёки давлат шундай йўл тутиши муқаррар. Гўёки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи "Хюман Райтс Воч" ташкилотига ўхшаш жамоаларнинг маҳаллаларимизга қарата отаётган тошлари осмонга қараб тупураётган ҳолатга ўхшайди.

Маҳалла институтимизга қарата қилинаётган даъволардан биттаси, гўёки бизда фуқароларнинг ўзини-ўзи идора қилиш органлари маҳаллий ҳокимликларга қарам, уларнинг изми билан иш юритадиган, аҳолини қуйи назорат қилиш ташкилоти эмиш. У ўз ташаббуси билан ҳеч бир ишни қилолмас эмиш.

Тошкентнинг Акмал Икромов туманидаги "Шарқ юлдузи"маҳалласи раиси Ҳабибулла Абдуллаевга юзма-юз келганимда менинг биринчи саволим шу бўлди:

— Туман ҳокимлиги сиз бошқараётган маҳаллани қандай ваколатларда ўз таъсир доирасида тутади ҳамда маҳаллага нисбатан ўз бошқарув сиёсатини қандай амалга оширади?

— "Шарқ юлдузи" маҳалласи фуқаролар йиғини ҳеч қайси масалада туман ҳокимлигига тобе эмас. Аҳолини бошқариш ишларининг бирор бўғинида унинг зўрма-зўраки тазйиқи ёки таъсири бўлмайди. Ҳар қандай юмуш ва муаммони ҳал этишда, энг аввало, фуқаролар йиғинининг эрки ҳисобга олинади, улар билан маслаҳатлашилади. Шахсан мен шунақа одамман. Тартиб-интизом, қатъийликни яхши кўраман.

Ўз кучи ва жамоаси салоҳиятига ишонаётган шарқ юлдузиликларнинг қилган ишлари билан танишаман. Бу ерда икки мингга яқин аҳоли яшайди. У 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг пайдо бўлган маҳаллалардан бири. Ишлар асосан, шу ерлик аҳолининг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкиллаштирилади. Қандай муҳим ишлар қилинса, шу ерликларнинг турмуши ўнгланади, нималар уюштирилса, одамлар бугунги ислоҳотлар моҳиятини чуқурроқ англайдилар, уларни амалга оширишда қандай йўллар билан каттаю кичик ҳисса қўшиши мумкин? Фуқаролар йиғини ўз режасини энг аввало ана шу саволларга таяниб тузади ва уларни амалга оширишда фақат ўз ички имкониятларига, халқимизнинг азалий қадриятларига суянади. Туман ҳокимиятига ёки яна аллақандай идораларга кўз тикиб турадиган даврлар аллақачонлар ўтиб кетган.

Маҳаллада фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашадиган махсус юридик консультация хонаси ташкил этилган. Ҳуқуқий саводхонликни оширишга оид китобларнинг энг муҳимлари бор. Тошкент давлат юридик институти талаба ва ўқитувчиларининг бу маҳалла билан муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Яқинда институт маъмурияти ўз ҳисобидан маҳалла идораси учун бир тўплам жиҳозларни совға қилди. Бу бежизга эмас. Чунки маҳалла оқсоқоли Ҳабибулла Абдуалиев қарийб эллик йилдан буён ҳуқуқ соҳасида бўлғуси ҳуқуқшуносларга билим бериб келаётган олимлардан бири. У кишининг 40дан ортиқ илмий ишлари, монографиялари, ўқув қўлланмалари, бу борадаги хизматлари ҳисобга олиниб, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвонига сазовор бўлган.

Сўзни ҳам ишидек кесиб гапирадиган бу одам ўз қадамини туман ҳокимиятидагиларнинг ўлчови билан ташлайдиганлар хилига асло ўхшамайди. Иқтисодни ҳам ҳуқуқ баробарида англагани маҳалланинг молия ишлари ўнгланишига сабаб бўлди. Маҳалла қўмитасида ташкил этилган тикув цехида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар иқтисодий ночор оилаларни қўллаб-қувватлаб турибди. Баъзи маиший хизмат тўловларига қурби етмаётган оилаларга шу йил давомида қарийб 360 минг миқдорида молиявий кўмак берилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

— Хондамир чорраҳасида илгарилари автоҳалокатлар кўп содир бўларди. Барака топишсин, фаолларнинг саъй-ҳаракати билан яқинда бу ерга светофор ўрнатилди. Болалар, кексалар учун энди бу ер бехавотир жойга айланди, — дейди кўнгли тинчиб шу ерлик Лаълихон ая Рўзиева. — Маҳалла болалари шу ҳудудда жойлашган Қурилиш касб-ҳунар коллежидаги спорт тўгаракларига қатнайдилар. Таътил кунлари инглиз ва рус тиллари бўйича маҳалланинг пенсионер ўқитувчилари клубда болаларга дарс берадилар. Мақсад болаларнинг бўш вақтлари унумли ўтсин.

Бу маҳалланинг хотин-қизлар ишлари, яраштириш комиссияси фаолияти, педагог тарбиячиси, посбонлари уюштираётган ажойиб тадбирлар тўғрисида шу ерликлар тилидан эшитар экансиз, кўнглингиз ғурурга тўлгандай, одамлар билан бирга сиз ҳам униб ўсаётгандай бўласиз. Йил давомида бу ерда бирор марта ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилмаган, турли ножўя ҳатти-ҳаракатлар қайд этилмаган, фарзандлари тарбиясига лоқайд ёки улар тарбиясига ёмон таъсир кўрсатаётган оилалар аниқланмаган. Юртимизда ана шундай тинч-тотув, давр билан ҳамқадам илгарилаётган маҳаллалар қарийб икки мингтани ташкил этади.

Маҳаллаларимизга нисбатан турли даъволарни қилаётган хорижнинг айрим ташкилот ёки гуруҳ вакиллари бу борада сўз айтишдан олдин масаланинг ёруғ жиҳатларини, дунёга ибратли томонларини ўргансалар эди, бизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти юқоридан тазйиққа асосланмаганлигини англаган бўлардилар.

Ҳамма маҳаллаларда ишлар аъло, деган даводан йироқмиз. Боқимандаликдан чиқолмаётган, бугунги кун ислоҳотларининг асл моҳиятини англолмай, ўз аҳолисига ёрдам бериш тугул, турли қийинчиликларга рўпара келаётган маҳаллаларимиз бор. Лекин улар кўп эмас. Аста-секинлик билан улар ҳам умумсафга қўшиладилар. «Обод маҳалла йили» Давлат дастурининг бажарилиши билан боғлиқ ишлар, шу йил ноябрь ойида фуқароларнинг ўзини-ўзи сайлаш органларига бўлиб ўтадиган сайловлар маҳалла институтида кенг кўламли ишлар ўзининг масъулиятли босқичига кираётганидан далолат беради.

Ўзбекистон заминида жамоа фикрига таяниб ишлашда, яшашда маҳаллаларда шаклланган тажриба бугун жаҳон эътиборида турибди. Агар сиз бу борадаги диққатга сазовор ишлар билан танишмоқчи бўлсангиз, марҳамат, Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани ҳудудидаги «Шарқ юлдузи» маҳалласига ташриф буюринг.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**бошисидаги** “ҳақ” деган сўз “компенсация тўловлари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **23-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“23-модда. Чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари**

Чиқиндиларни махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларга жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари ундирилади.

Компенсация тўловлари миқдори белгиланган тартибда чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари асосида, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф муҳит учун хавфлилик даражасига қараб белгиланади”.

**XXV.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда) **3-моддаси** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шу каби бошқа органларига хизматга кириш тақиқланади”.

**XXVI.** Ушбу Қонун **XII бўлимининг 1, 2, 3, 7 ва 8-бандлари** Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатасига сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш натижаларига кўра кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 30 август.

48

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2003 йил**

нинг акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан берадиган ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органига (директорига), коллегиал ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) аъзоларига тўланадиган меҳнат ҳақи ва бошқа ҳақлар миқдори, шунингдек бошқарувчи ташкилот ва бошқарувчи хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, шартномада белгиланиши керак”;

**ўн биринчи қисмидаги** “раҳбари” деган сўз “аъзолари” деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

“Кузатув кенгаши жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиал ижроия органининг аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият ижроия органининг, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ижроия органининг ваколатларини бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчига ўтказиш тўғрисидаги масала ўша умумий йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёки ижроия органи раҳбарининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни ҳам тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин. Агар жамиятнинг ижроия органини тузиш акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган бўлса, ижроия органининг, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг

24

ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган кузатув кенгаши ижроия органи раҳбарининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек ижроия органи тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради”;

19) **87-моддасининг иккинчи қисмидаги** “аудиторга” деган сўз чиқариб ташлансин;

20) **92-моддасининг тўртинчи хатбошисидаги** “ва аудитор” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) **95-моддасининг биринчи қисмидаги** “муассисларнинг ёки ваколатли органнинг” деган сўзлар “акциядорлар умумий йиғилишининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **105-моддасининг тўртинчи қисмидаги** “аудиторни” деган сўз “аудиторлик ташкилотини” деган сўз билан алмаштирилсин;

23) **110-моддасининг еттинчи қисмидаги** “кузатув кенгашининг” деган сўзлар “жамият кузатув кенгашининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **111-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“111-модда. Аудиторлик ташкилоти**

Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади”;

25) **112-моддасининг номи ва биринчи хатбошисидаги** “ёки аудиторнинг”, “ёки аудитор” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

26) **114-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** “аудиторлар” деган сўз “аудиторлик ташкилотлари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) **117-моддасидаги** “аудиторлар” деган сўз чиқариб ташлансин.

25

билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** “доимий эгалик қилишга” деган сўзлар “эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) бериб қўйилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас. Бу ер участкалари фермер ва деҳқон хўжаликлари юритиш учун белгиланган тартибда берилиши мумкин. Қишлоқ хўжалик кооперативининг (ширкат хўжалигининг) фойдаланилмаётган ерлари бошқа жисмоний ва юридик шахсларга иккиламчи ижарага ёки вақтинча фойдаланишга уч йилгача бўлган муддатга ердан фойдаланишни янги муддатга узайтириш ҳуқуқи билан берилиши мумкин”;

**олтинчи қисмидаги** “ерга эгалик қилиш” деган сўзлар “ер участкасига бўлган” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмидаги** “ерга эгалик қилиш ва” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **15-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) умумий мажлиснинг қарорига асосан ер участкалари, қоида тариқасида, оилаларга (жамоаларга) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари асосида вақтинча фойдаланишга камида беш йил муддатга берилади. Ер участкасидан фойдаланиш муддати тугаганидан кейин оилалар (жамоалар) оила (жамоа) пудрати шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эгадир”;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Пудратчидан оила (жамоа) пудрати шартлари асосида берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ ундирилмайди”;

5) **18-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

44

3) **5-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг йигирма беш карраси миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

II даражали ёки II ва I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар”.

**III.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **“Мустақиллик” ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 115-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 126-модда) **5-моддасидаги** “эллик карраси миқдорида” деган сўзлар “етмиш беш карраси миқдорида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**IV.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **“Амир Темур” ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 63-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда) **3-моддасидаги** “эллик карраси миқдорида” деган сўзлар “етмиш карраси миқдорида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**V.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **“Жалолиддин Мангуберди” ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 202-модда) **5-моддасидаги** “эллик баравари миқдорида” деган сўзлар “олтмиш беш карраси миқдорида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VI.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **“Буюк хизматлари учун” ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 119-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда) **3-моддасидаги** “қирқ карраси миқдорида” деган сўзлар “олтмиш карраси миқ-

5

гашининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиал ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради”;

12) **70-моддасининг:**

**биринчи** ва **учинчи қисмлари** “тафтиш комиссиясига” деган сўзлардан кейин “(тафтишчилигига)”деган сўз билан тўлдирилсин;

**тўртинчи қисмининг биринчи хатбошиси, бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** “тафтиш комиссиясига” деган сўзлардан кейин “(тафтишчилигига)” деган сўз билан тўлдирилсин;

13) **72-моддасининг:**

**биринчи қисмидаги** “аудитори” деган сўз чиқариб ташлансин;

**иккинчи, тўртинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмларидаги** “жамият аудиторининг”, “жамият аудитори” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **77-моддасининг бешинчи қисми** “тафтиш комиссияси аъзосини” деган сўзлардан кейин “(тафтишчисини)” деган сўз билан тўлдирилсин;

15) **82-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“82-модда. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари**

Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, ушбу Қонун 72-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

20

доринининг бир ярим бараваридан;

тарбия колонияларида, ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида, шунингдек маҳкум биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёллар учун – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч ярим бараваридан”;

5) **76-моддасининг учинчи қисмидаги** “114, 130 ва 134-моддаларида” деган сўзлар “114 ва 130-моддаларида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **77-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларга телефон орқали сўзлашувлар ҳуқуқи берилади, бундай сўзлашувлар муассаса маъмурияти назорати остида ўтказилади ва уларнинг ҳақи маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидан тўланади”;

**иккинчи қисмидаги** “алоҳида ҳолларда” деган сўзлар “маҳкум жазони ижро этиш муассасасига етиб келгандан кейин, шунингдек алоҳида ҳолларда” деган сўзлар билан алмаштирилсин”;

7) **78-моддаси:**

қуйидаги мазмунда **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Ҳукм қилинган ҳомиладор аёлларнинг ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёлларнинг, шунингдек врач хулосасига кўра даволаниш ва кучли таомга муҳтож деб эътироф этилган беморларнинг, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларининг тиббий хулосада белгиланадиган миқдорда ва хилларда қўшимча посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олишига рухсат этилади”;

**тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

8) қуйидаги мазмундаги **79[1]-модда** билан тўлдирилсин:

**“79[1]-модда. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг сайр қилиши**

Жазони умумий, қаттиқ тартибли колониялар, тарбия колониялари қабул бўлинмаларининг камераларида, шунингдек махсус тартибли колонияларнинг

29

мий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6 – 10, 12-бандларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ер участкасининг ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади”;

10) **47-моддаси** чиқариб ташлансин;

11) **49-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“49-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер участкалари бериш**

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) – товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооперативнинг (ширкатнинг) ишлаб чиқариш фаолиятида, асосан оила (жамоа) пудрати асосида шахсан иштирок этувчи мулкий пай эгалари бўлган аъзоларини бирлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда (акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳамда хўжалик ширкатлари шаклида) ҳам тузилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш мақсадида ер участкалари ижарага ёки доимий эгалик қилиш учун берилади, мазкур ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланилган тақдирда эса улар ижа-

40

**иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **йигирма саккизинчи – ўттизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

“фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштирув комиссияси тузади;

“Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмасининг раҳбарини тайинлайди ва тузилмага аъзолар қабул қилади;

фуқаролар йиғинининг ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий ва оммавий-спорт ишларини олиб борувчи педагог-тарбиячисини тайинлайди”;

**йигирма саккизинчи** ва **йигирма тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **ўттиз биринчи** ва **ўттиз иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **13-моддасининг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

“ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

яраштирув комиссиясида раислик қилади”;

**ўн иккинчи – ўн еттинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **17-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“17-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича республика кенгаши, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилади”;

6) **18-моддаси:**

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишга ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, даҳалардан фуқаролар-

9

**ритиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси ва Бош прокурори Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга. Масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин”;

9) **21-моддасидаги** “Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари” деган сўзлар “Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, унинг ўринбосарлари, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, унинг ўринбосарлари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **31-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“31-модда. Конституциявий суд судьяларининг моддий ва ижтимоий таъминоти**

Конституциявий суд судьяларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга ҳар йилги меҳнат таътили бериш, судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилиш билан боғлиқ моддий ва ижтимоий таъминоти “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

Конституциявий суд судьясининг иш ҳақи лавозим маошидан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлади”.

**XIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 61-

16

тўртта посилка ёки йўқлов;

тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга”;

21) **121-моддасининг:**

**биринчи қисми** “камераларда” деган сўздан кейин “ёки умумий яшаш биноларида” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисмидаги** “миқдорининг қирқ фоизигача бўлган суммага” деган сўзлар “миқдори суммасигача” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Маҳкумлар йил мобайнида:

икки марта қисқа муддатли ва икки марта узоқ муддатли учрашув;

уч марта телефон орқали сўзлашув;

учта посилка ёки йўқлов;

учта бандерол олиш ҳуқуқига эга”;

22) **123-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** “ўттиз” деган сўз “етмиш беш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ва йил мобайнида:

икки марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув;

икки марта телефон орқали сўзлашув;

иккита посилка ёки йўқлов;

иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга”;

23) **124-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

24) **125-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** “эллик фоизигача” деган сўзлар “икки ярим бараваригача” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умумий тартибли тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;

ўн икки марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посилка ёки йўқлов;

33

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

**XIV.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 70-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2002 йил, № 1, 22-модда, № 9, 165-модда):

1) **12-бандининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** "ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини" деган сўзлар "чиқиндиларни" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш ҳамда оқизишнинг йўл қўйиладиган нормативларини ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини белгилайди, атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари ундиради ва улардан белгиланган тартибда фойдаланади";

**тўққизинчи хатбошисидаги** "Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн тўққизинчи хатбошисидаги** "саноат, маиший ва бошқа хил" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **13-бандининг "д" кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"д) табиатдан фойдаланувчилар табиий ресурслардан фойдаланишнинг, атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар, чиқиндилар чиқариб ташлаш ва оқизишнинг ҳамда бошқа зарарли таъсирларнинг (жисмоний таъсирдан ташқари) дастлабки ҳисобини юритиши, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга доир давлат статистика ҳисоботлари тўғри бўлишига риоя этилиши".

**XV.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **"Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Рес-

26

17) **85-моддасининг биринчи қисмидаги** "комиссияси ёки аудиторнинг" деган сўзлар "комиссиясининг" деган сўз билан алмаштирилсин;

18) **86-моддаси:**

**тўртинчи қисмидаги** "акциядорлар умумий йиғилишининг ёки кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига" деган сўзлар "акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки кузатув кенгашининг ваколатларига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи – тўққизинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жамият ижроия органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставида ушбу масалаларни ҳал этиш жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига биноан жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органини (директорини), коллегиал ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) аъзоларини тайинлаш танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органининг (директорининг), коллегиал ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) аъзоларининг, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, жамият устави томонидан ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директори) билан, коллегиал ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузиладиган шартномада улар-

23

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

**I.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда):

1) **30-моддасининг бешинчи қисмидаги** "ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндиларининг" ҳамда **41-моддаси иккинчи қисмидаги** "ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндилари" деган сўзлар "чиқиндиларнинг" деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **34-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар**

Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун компенсация тўловларидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловлардан иборат бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ

2

Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда) **7-моддасининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш".

**XXIII.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган **"Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 12-модда):

1) **14-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ушбу Қонун 5-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ инвесторларга фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларида йўл қўйиладиган даражадаги харажатларнинг ўрнини қоплаш тижорат мақсадида кавлаб олиш бошланган кун тўғри келадиган календарь йилдан бошлаб компенсация маҳсулоти ҳисобидан амалга оширилади. Инвесторнинг жорий календарь йилда ўрни қопланмаган йўл қўйиладиган даражадаги харажатлари битим амал қилишининг бутун муддати давомида кейинги календарь йилларда қопланади. Бундай ҳолларда битимда ўрни қопланадиган йўл қўйиладиган даражадаги харажатларнинг энг юқори миқдори белгилаб қўйилади";

2) **20-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Инвестор атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини ва меҳнат ҳақи фондидан ажратмаларни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади".

**XXIV.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **"Чиқиндилар тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда):

1) **5-моддасининг ўн биринчи хатбошисидаги** "тўлов" деган сўз "компенсация тўловлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **15-моддаси биринчи қисмининг ўн тўртинчи хат-**

47

Қирқиш чизиғи

камераларида ўтаётган озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар, агар улар очиқ ҳавода ишлаётган бўлмаса, ҳар куни муддати икки соатлик сайр қилиш ҳуқуқига эга.

Сайр қилишнинг муддати жазони ижро этиш колонияларининг, тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг интизомий бўлинмаларида сақланаётган маҳкумлар учун ушбу Кодекснинг 109 ва 127-моддалари билан, жазони турмаларда ўтаётган маҳкумлар учун эса 123-моддаси билан белгиланади.

Маҳкумларнинг сайр қилиши махсус жиҳозланган сайр қилиш ҳовлиларида кундузги вақтда ўтказилади. Сайр қилиш, маҳкум жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини бузган тақдирда, муддатидан илгари тугатилиши мумкин";

9) **83-моддаси** чиқариб ташлансин;

10) **85-моддасининг тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

11) **100-моддаси:**

**номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"100-модда. Маҳкумларнинг умумий ўрта таълими**

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта таълими ташкил этилади. Муассаса маъмурияти маҳкумларга улар таълим олиши ва мустақил таълим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратади ҳамда зарур кўмак кўрсатади";

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Маҳкумларнинг умумий ўрта таълимини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади";

12) **101-моддасининг:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"101-модда. Маҳкумларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва касб тайёргарлиги"**;

**биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** "ҳунар таълими" деган сўзлар "ўрта махсус, касб-ҳунар таълими" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **102-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хат-**

30

торлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш";

**ўн учинчи хатбошисидаги** "жамиятнинг йиллик ҳисоботларини" деган сўзлар "жамиятнинг йиллик бизнес-режасини, йиллик ҳисоботларини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн еттинчи хатбошисидаги** "94" рақами "93" рақами билан алмаштирилсин;

**ўн саккизинчи хатбошисидаги** "89" рақами "90" рақами билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидагилар бундан мустасно:

ушбу Қонуннинг 16 ва 21-моддаларига мувофиқ жамият уставига унинг устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

ушбу Қонуннинг 86-моддаси ўн биринчи қисмига мувофиқ жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиал ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномани муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги масалани ҳал этиш;

ушбу Қонуннинг 82-моддаси биринчи қисми ўн биринчи хатбошисига мувофиқ йиллик бизнес-режани тасдиқлаш";

10) **66-моддасининг олтинчи қисмидаги** "биринчи–учинчи, бешинчи" деган сўзлар "иккинчи-тўртинчи, олтинчи" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **69-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият молия-хўжалик фаолиятини йиллик текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кен-

19

дорида" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VII.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **"Эл-юрт ҳурмати" ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда) **3-моддасидаги** "қирқ карраси миқдорида" деган сўзлар "эллик карраси миқдорида" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **"Давлат мукофотлари тўғрисида"**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5–6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7–8, 202-модда) **11-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"11-модда. Ўзбекистон Республикаси орденлари қуйидагилардан иборат:

"Мустақиллик" ордени;
"Амир Темур" ордени;
"Жалолиддин Мангуберди" ордени;
"Буюк хизматлари учун" ордени;
"Эл-юрт ҳурмати" ордени;
"Фидокорона хизматлари учун" ордени;
"Меҳнат шуҳрати" ордени;
I ва II даражали "Соғлом авлод учун" ордени;
I ва II даражали "Шон-шараф" ордени;
"Дўстлик" ордени".

**IX.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги Қонунининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда):

1) **7, 8** ва **9-моддалари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"7-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги

6

қа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари улар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган пайтдан эътиборан вужудга келади ёки тугатилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ер участкаларининг тарқов, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишига ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ерларнинг тарқов, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишини ва бошқа камчиликларни бартараф этиш хўжаликлараро ер тузиш тартибида амалга оширилади";

17) **78-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ушбу Кодекс 8-моддасининг 1–7-бандларида кўрсатилган ер фонди тоифаларига киритилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча ерлар захира ерлардир".

**XX.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5 – 6, 84-модда):

1) **12-моддаси биринчи қисмининг:**

**тўққизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**ўнинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

2) **4-бобининг номидаги** "Ерга эгалик қилиш" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **14-моддасининг:**

**номидаги** "Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш" деган сўзлар "Ердан фойдаланиш" деган сўзлар

43

Қирқиш чизиғи

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Кучайтирилган тартибли тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;

саккиз марта телефон орқали сўзлашув;

тўртта посилка ёки йўқлов;

тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга";

25) **127-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланади";

26) **129-моддасининг:**

**биринчи қисми иккинчи** ва **учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун ҳукм қилинган шахслар –ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колонияга;

содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар – умумий тартибли колонияга";

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят учун ҳукм қилинган маҳкумлар ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колонияга ўтказилади";

27) **134-моддаси** чиқариб ташлансин;

28) **135-моддаси** чиқариб ташлансин;

29) **169-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

"Сил касаллигига дучор бўлган шахсларнинг озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаларга белгиланган намунадаги штамп қўйилади";

30) **173-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён

34

нинг Конституциясига мослигини аниқлайди";

2) **2-моддасининг:**

**биринчи ва тўртинчи қисмларидаги** "Олий Мажлис" деган сўзлар "Олий Мажлиснинг Сенати" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** "Олий Мажлис депутатлари" деган сўзлар "Олий Мажлис Сенати аъзолари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

3) **10-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"10-модда. Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ Конституциявий суд томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади";

4) **12-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"12-модда. Конституциявий суднинг судьялигига номзодга қўйиладиган талаблар. Конституциявий суд судьяларининг малака даражалари**

Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суднинг судьяларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий малака ёки Биринчи малака даражалари берилади";

5) **13-моддасининг биринчи қисмидаги** "Конституциявий" деган сўз "Биринчи бор Конституциявий" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **ўзбекча матни 17-моддасининг биринчи қисми** "қуйидаги ҳолларда" деган сўзлардан кейин "Конституциявий суд қарори билан" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **18-моддасининг биринчи хатбошисидаги** "Олий Мажлис" деган сўзлар "Олий Мажлис Сенатининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **19-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"19-модда. Конституциявий судга масалаларни ки-**

15

нинг намояндалари вакил қилинадилар. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туманлар ва шаҳарлар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди";

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Фуқаролар йиғинида шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари ўз фаолиятларига доир масалалар бўйича маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир";

7) **20-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, агар фуқаролар йиғинида ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланадилар. Агар тақдим этилган шахслар зарур миқдорда овоз ололмасалар, кўриб чиқиш учун бошқа шахслар тақдим этилади";

8) **русча матнининг 10-моддаси иккинчи қисмининг саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошиларидаги, 12-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги, 18-моддасининг биринчи қисмидаги, 24-моддасининг биринчи қисмидаги** "Советы", "Совета", "Советов", "Советами" деган сўзлар тегишинча "Кенгаши", "Кенгаша", "Кенгашей", "Кенгашами" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**X.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда);

1) **154-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм**

10

7) **33-моддасидаги** "ер участкасидан муддатли фойдаланиш шартномаси" деган сўзлардан кейин "ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **35-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлиги";

9) **36-моддасининг:**

**биринчи қисмидаги 4-банд** чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги биринчи хатбоши** "мулк ҳуқуқи" деган сўзлардан кейин "белгиланган тартибда" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ушбу модда биринчи қисмининг 1 – 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган юридик ва жисмоний шахслар ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан дои-

39

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

**биринчи қисмидаги** "суд" деган сўз "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади";

2) **46-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Манзил-колониялар қуйидагиларга бўлинади:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар;

умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар";

3) **53-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар учун биринчи марта олти йилгача ва олти йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар алоҳида ҳолларда, маҳкумнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассаса бошлиғининг қарорига биноан хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонаси ёки турмада қолдирилиши мумкин";

4) **75-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Бир ой давомида сарфлашга рухсат этилган пулнинг умумий суммаси қуйидаги миқдорлардан ошмаслиги лозим:

умумий тартибли колонияларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч бараваридан;

қаттиқ тартибли колонияларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваридан;

махсус тартибли колонияларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваридан;

турмаларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқ-



умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузиладиган санани белгилаш;

ушбу Қонун 65-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва ўн иккинчи хатбошиларида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш;

агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига тегишли ҳуқуқ берилган бўлса, эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш ёки жамият томонидан қўшимча акциялар жойлаштириш орқали жамият устав фондини кўпайтириш;

жамият уставида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш;

мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш;

агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига тегишли ҳуқуқ берилган бўлса, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни олиш;

агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган бўлса ёки бу масалани ҳал этиш акциядорларнинг умумий йиғилишида кузатув кенгашига топширилган бўлса, шундай бизнес-режани тасдиқлаш;

жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

агар жамият уставида кузатув кенгашининг ваколати доирасига киритилган бўлса, ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;



Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини тўлаганлик юридик ва жисмоний шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди";

3) **37-моддасининг бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

4) **47-моддасининг:**

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда";

**ўнинчи хатбошисидаги** "ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини" деган сўзлар "чиқиндиларни" деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **50-моддасининг биринчи қисмидаги** "ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол чиқиндиларини" деган сўзлар "чиқиндиларни" деган сўз билан алмаштирилсин.

**II.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **"Соғлом авлод учун" ордени тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 257-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда):

1) **2-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"I даражали орден юқори даражали ҳисобланади. Мукофотлаш, қоида тариқасида, қуйидаги тартибда: аввал II даражали, орадан камида уч йил ўтганидан кейин I даражали орден билан тақдирлаш тарзида амалга оширилади";

2) **4-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карраси миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти оладилар";



"Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай жамғармаси унинг асосий жамғармалари қийматини ҳамда мажбуриятларидан холи бошқа активлари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно";

6) **21-моддасининг биринчи қисмидаги** "бошқаруви" деган сўз "раиси" деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **23-моддасининг биринчи қисмидаги** "давлат харидлари тартибида" деган сўзлар "давлат эҳтиёжларини кўзлаб" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XXI.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **"Деҳқон хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 88-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда):

1) **5-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"5-модда. Деҳқон хўжалигини ташкил этиш тартиби**

Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда у давлат рўйхатига олинганидан ва унга белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади.

Ер участкаси бериш тўғрисидаги ариза сўралаётган ер участкасининг жойлашган ери, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланиш кўрсатилган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг иш берувчисига (маъмуриятига) берилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви, бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилотининг иш берувчиси (маъмурияти) деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш имконияти тўғрисидаги хулосани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда тайёрлайди. Мазкур хулоса асосида қишлоқ хўжалиги коо-



лик учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида бешдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар;

оғир жиноят, шунингдек қасддан жиноят содир этганлик учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар, агар шахс муқаддам қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса;

муқаддам жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган ёки жазо суд томонидан енгилроғи билан алмаштирилган шахс ўта оғир жиноят, шунингдек жазо муддатининг ўталмаган қисми давомида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар ўтказилади";

18) **114-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Маҳкумлар чекланмаган миқдорда учрашув олиш ҳуқуқига эга. Учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади. Учрашув маҳкумнинг илтимосига биноан манзил-колония ҳудудидан ташқарида ўтказилиши мумкин";

19) **117-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** "қирқ фоизигача" деган сўзлар "икки бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Маҳкумлар йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув;

олти марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посилка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга";

20) **119-моддасининг:**

**иккинчи қисмидаги** "қирқ фоизигача" деган сўзлар "бир ярим бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Маҳкумлар йил мобайнида:

уч марта қисқа муддатли ва уч марта узоқ муддатли учрашув;

тўрт марта телефон орқали сўзлашув;



модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда):

1) **14-моддасидаги** "ёки таъсис шартномаси ва устав ёхуд фақат таъсис шартномаси" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **15-моддасининг тўртинчи қисмидаги** "аудитор" деган сўз чиқариб ташлансин;

3) **16-моддасининг матнидаги** "йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади" деган сўзлар "йиғилишининг қарорига, ушбу Қонун 21-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда эса, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият кузатув кенгашининг бир овоздан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **20-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Очиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори эса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак";

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

5) **21-моддасининг:**

**тўртинчи қисмидаги** "уставда кўзда тутилган бўлса" деган сўзлар "бундай қарор қабул қилиш ҳуқуқи жамиятнинг уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг кузатув кенгашига берилган бўлса" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



Фуқаролар йиғини ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

фуқаролар йиғинининг номи;

фуқаролар йиғинининг ҳудуди;

фуқаролар йиғини ва унинг органлари ваколатлари;

фуқаролар йиғинини чақириш тартиби;

фуқаролар йиғини кенгашини тузиш тартиби;

фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахсларини сайлаш тартиби;

фуқаролар йиғини комиссияларини тузиш тартиби;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ва раис маслаҳатчиларининг ваколатлари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг молиявий асоси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади";

2) **10-моддасининг:**

**иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **йигирма учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"уй-жой мулкдорларининг ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй-жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишда кўмаклашади";

**йигирма учинчи хатбошиси йигирма тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

3) **12-моддасининг:**



рага ёки вақтинча фойдаланишга қўшимча ер участкалари олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан ва фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ижарага, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига эса доимий эгалик қилиш учун ёки ижарага берилади. Ер участкасининг ижара шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) раиси, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилоти раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилади. Ер участкаларини доимий эгалик қилиш учун олган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотларига Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи улар уюшмалар ва бошқа агросаноат бирлашмалари таркибига кирганида сақланиб қолади";

12) **50-моддаси** чиқариб ташлансин;

13) **51-моддасининг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** "вақтинча фойдаланишга" деган сўзлар "камида беш йил муддатга фойдаланишга" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **53-моддасининг:**

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Фермер хўжалиги ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритув-



Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси бўйича яшаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс озод қилинаётганда жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум қамоққа олингунига қадар рўйхатга олинган жойдаги ички ишлар ҳудудий органининг мамлакатга кириш, ундан чиқиш ва рўйхатга олиш билан шуғулланувчи тегишли хизматини хабардор қилади.

Соғлиғи ҳолатига кўра доимий парваришга муҳтож шахслар, шунингдек ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд муассаса маъмурияти вакилининг кузатувида яшаш жойига жўнатилади.

Ногиронлар ва қариялар, ўз илтимосига кўра, ногиронлар ва қариялар уйига жўнатилади.

Вояга етмаган маҳкумлар ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига жўнатилади. Ота-онаси йўқ вояга етмаган шахслар, зарур ҳолларда, интернатларга жўнатилади ёки ҳомийлар қарамоғига берилади".

**XVIII.** 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикасининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 2001 йил, № 1–2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда):

1) **102-моддасининг биринчи қисми** "Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги" деган сўзлардан кейин "ёхуд қарздордан низосиз талаблар бўйича мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **103-моддаси** қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

"4) лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкини талаб қилиб олиш тўғрисида талаб қўйилса";

3) **104-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5) ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби, ли-



д) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

**XI.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165 ва 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда):

1) **88-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шохшаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

2) **237-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"237-модда. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш**

Муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга



б) ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаши –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

4) **235-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"235-модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш**

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) такроран;



зинг объекти талаб қилиб олинган тақдирда эса лизинг шартномасида белгиланган, тўланмаган тўловларнинг лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунига қадар қолган даврдаги даромадини чегириб ташлаган ҳолдаги сумманинг ҳисоб-китоби".

**XIX.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда):

1) **6-моддасининг ўнинчи хатбошиси** ва **7-моддасининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш";

2) **9-моддасининг:**

**тўртинчи қисмидаги** "ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга" деган сўзлар "ер участкаларини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида кўрсатилади";

3) **10-моддасининг биринчи қисмидаги** "ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат ер кадастрида ва давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида" деган сўзлар "давлат ер кадастрида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **23-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"23-модда. Ер участкалари бериш (реализация қилиш)**

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Рес-



«Халқ сўзи» – «Народное слово» • МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси • Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти – 21.00 Топширилди – 22.30 1 2 3 5 6